

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273 - сон қарорига мувофиқ, собиқ Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази негизида ташкил этилди.

Давлат статистика қўмитаси ва институт томонидан муассаса фаолиятини тартибга солувчи барча меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

## Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг асосий мақсади ва вазифалари:

### Институтнинг асосий мақсади

❖ Давлат статистика органлари ходимларини давр талабига мос равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, статистика тизимини замон талабига ҳамоҳанг илмий-инновацион ғоялар билан таъминлаб бориш.

### Институтнинг асосий вазифалари:


- ✓ Давлат статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, шунингдек, касб маҳорати юксак даражада бўлишини таъминлайдиган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;
- ✓ статистика борасидаги кўникмаларни ривожлантириш, таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва уларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, асосан, ихтисослик фанларидан иборат бўлган замонавий таълим стандартлари ва сифат жиҳатидан янги ўқитиш тизимини жорий этиш;
- ✓ статистика соҳасидаги илғор тажриба ва илмий тадқиқот ютуқларини айирбошлаш, шунингдек, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташи бўйича маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда таълим муассасалари, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;
- ✓ миллий даражада қўлланилаётган методологик воситалар, давлат ва идоравий статистик кузатувларни халқаро даражада уйғунлаштириш, мослаштириш ва қиёслаш нуқтаи-назаридан уларни малакали экспертизадан ўтказиш;
- ✓ кейинчалик амалиётда қўллаш учун илғор статистика методлари ва технологиялари, шунингдек, очиқ маълумотлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш.

## Институт фаолиятининг асосий йўналишлари

- ⇒ Давлат статистика органлари, вазирликлар ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
- ⇒ Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича статистик тадқиқотларни (шу жумладан хўжалик субъектлари билан шартнома асосида) амалга ошириш
- ⇒ “Эконометрика ва статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича олий таълимдан кейинги таълим институтини ташкил этиш (таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчи, стажёр-тадқиқотчи)
- ⇒ “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” чораклик электрон илмий журналини чоп этиш
- ⇒ Маҳаллий ва халқаро олий таълим ва илмий – тадқиқот муассасалари билан ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорликни олиб бориш

## Давлат статистика органлари, вазирликлар ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти ва эришилган натижалар

Институтда тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти ҳар йили тасдиқланадиган давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурига, бошқа ташкилотлар ходимлари малакасини ошириш эса шартномага асосан олиб борилади.



- ✓ “Давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари” ишлаб чиқилди ва давлат рўйхатидан ўтказилиб, амалиётга жорий қилинди;
- ✓ “Давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланди;
- ✓ Барча ўқув курсларининг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилди (янгиланди) ва Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланди;
- ✓ “Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти профессор-ўқитувчиларининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий ва маънавий-маърифий иш турлари ҳажмини ҳисоблаш қоидалари” ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди;
- ✓ 2020 йилдан ўқув курсларини масофавий ўқитиш шаклида ҳам ташкил этиш йўлга қўйилди ва тегишли ўқув материалларининг электрон контентлари яратилди. 2020 - 2021 йилларда **1076** нафар тингловчи масофадан ўқитиш (онлайн) шаклда малакаларини оширди;
- ✓ Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодчи ходимларининг (жами **400** дан зиёд) “Статистика асослари” бўйича малакаларини ошириш йўлга қўйилди.
- ✓ Ўқув курслари машғулотларига олий ўқув юртларининг етуқ олимлари, Давлат статистика кўмитасининг тажрибали мутахассислари ҳам жалб этилди.
- ✓ Ўқув курсларини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги диплом ва сертификатлар берилди.

2019 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида **1152** нафар тизим ходимлари иштирок этди (шундан 82 нафари Давлат статистика кўмитаси, 655 нафари ҳудудий бошқармалар, 411 нафари туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва 4 нафари институт ходимлари).

2020 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида **1122** нафар тизим ходимлари иштирок этди (шундан 110 нафари Давлат статистика кўмитаси, 625 нафари ҳудудий бошқармалар, 384 нафари туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва 3 нафари институт ходимлари).

2021 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида **1199** нафар давлат статистика тизими ходимлари иштирок этди (шундан 110 нафари Давлат статистика кўмитаси, 636 нафари ҳудудий статистика бошқармалари, 453 нафари эса туман (шаҳар) статистика бўлимлари ходимлари).

## Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича статистик тадқиқотларни амалга ошириш ва илмий - тадқиқот йўналишида эришилган натижалар

Институт илмий – тадқиқот йўналишидаги фаолиятини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган статистик тадқиқотлар дастури, давлат грантлари асосидаги амалий лойиҳаларни амалга ошириш дастури, хўжалик субъектлари билан тузиладиган шартномалар ҳамда илмий ишларни амалга ошириш бўйича режалар асосида олиб боради.

2019 – 2021 йилларда иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича амалга оширилган статистик тадқиқотлар

Давлат статистика қўмитасининг буюртмасига асосан 2019 – 2021 йилларда институт томонидан статистика методологияси ва амалиётини такомиллаштиришга доир **30** та статистик тадқиқотлар амалга оширилиб, амалиётда фойдаланиш учун қўмига тақдим этилди.

2018 – 2020 йилларда давлат гранти асосида амалга оширилган амалий лойиҳалар

Давлат гранти асосида 2018 - 2020 йилларда қиймати 1907,5 млн. сўмлик **2** та илмий - амалий лойиҳа амалга оширилди ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди.

2019 – 2021 йилларда хўжалик субъектлари билан шартнома асосида амалга оширилган тадқиқотлар

Шартнома асосида 2019 - 2021 йилларда умумий қиймати 360 млн. сўмлик **5** та ахборот-таҳлилий шарҳ сифатидаги тадқиқот иши амалга оширилди ва буюртмачига тақдим этилди.

2019 – 2021 йилларда институт профессор – ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан нашр этилган илмий ишлар

Институт профессор – ўқитувчилари ва илмий ходимлар томонидан 2019-2021 йилларда жами **350** дан зиёд илмий ишлар чоп этилган, шундан 30 дан зиёди чет эл газета ва журналларида нашр қилинган.

## Олий таълимдан кейинги таълим институтини ташкил этиш фаолияти ва эришилган натижалар

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 686 - сонли қарорига мувофиқ Олий аттестация комиссиясининг тегишли қарори асосида Институт ҳузурида: **“Эконометрика ва статистика” (08.00.06)** ва **“Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” (08.00.14)** ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи DSc.30.09.2019.I.92.01 рақамли илмий кенгаш ташкил этилди.

Институт ҳузуридаги фан доктори ва фалсафа фанлари доктори илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш фаолиятининг натижалари

Илмий кенгашда 2020 – 2021 йиллар давомида жами 19 нафар илмий изланувчиларнинг докторлик диссертациялари ҳимояси ўтказилди:

- **“Эконометрика ва статистика” (08.00.06)** ихтисослиги бўйича - 14 та (шундан 13 таси - PhD бўйича, 1 таси - DSc бўйича);
- **“Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” (08.00.14)** ихтисослиги бўйича - 5 та (шундан 4 таси - PhD бўйича, 1 таси - DSc бўйича).

Институтда бугунги кунда, биринчи ва иккинчи босқичда, жами **74** нафар илмий изланувчи таҳсил олмоқда:

- **“Эконометрика ва статистика” (08.00.06)** ихтисослиги бўйича жами 49 нафар (шундан 2 таси - DSc бўйича докторантура, 13 таси - PhD бўйича таянч докторантура, 32 таси - PhD бўйича мустақил изланувчи, 2 таси - стажёр – тадқиқотчи);
- **“Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” (08.00.14)** ихтисослиги бўйича жами 25 нафар (шундан - 1 таси - DSc бўйича докторантура, 3 таси - DSc бўйича мустақил изланувчи, 10 таси - PhD бўйича таянч докторантура, 9 таси - PhD бўйича мустақил изланувчи, 2 таси - стажёр – тадқиқотчи).

## “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” электрон илмий журналини чоп этиш

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузурида хўжалик ҳисобидан молиялаштириладиган “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” чораклик электрон илмий журнали ([statmirror.uz](http://statmirror.uz)) ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2019 йил 27 августда 1309 - сон гувоҳнома билан рўйхатга олинди.

Электрон журналнинг 2019 йилда - 2 та, 2020 йилда – 4 та ва 2021 йилда – 3 та сони нашр этилди ва уларда етук иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассисларининг (шу жумладан 1 таси - хорижий) иқтисодий ва ижтимоий масалаларга, тармоқлар ва ҳудудлар ривожланиш ҳолатининг долзарб муаммоларига, шунингдек, институтда тегишли ихтисослик бўйича илмий изланишлар олиб бораётган докторантларнинг диссертация мавзуларига доир жами **185** та мақолалари чоп этилди.

## Институтнинг маҳаллий ва халқаро олий таълим ва илмий - тадқиқот муассасалари билан ўқув ва илмий - тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик алоқалари

Статистика соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликда илмий ишланмаларни ўрганиш ва тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда илмий семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ташкил этиш мақсадида бир қатор чет эл олий таълим ва илмий – тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди

Статистика методологиясини такомиллаштириш, тармоқлар ва ҳудудлар ривожланиш ҳолатини статистик таҳлил қилиш, долзарб муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, илмий семинарлар ташкил этиш, профессор – ўқитувчиларни ўзаро ўқув жараёнига жалб этиш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш орқали институтда малака ошириш курслари ва статистик тадқиқотлар сифатини ошириш мақсадида бир қатор маҳаллий олий таълим ва илмий – тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Қозоғистон иқтисодиёт, молия ва халқаро савдо университети (Қозоғистон)

Олмаота иқтисодиёт ва статистика академияси (Қозоғистон)

Академик Б.Ғофуров номидаги Хўжанд давлат университети (Тожикистон)

Россия - Тожикистон (славян) университети (Тожикистон)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент молия институти

Фарғона давлат университети

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази